

ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАРДА ИДИОМА ВА ФРАЗЕОЛОГИЯЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Э.Маматов, ЎзМУ профессори, филол.ф.д.

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз идиомаларини қардош бўлмаган тилларига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этилди. Хусусан, идиомаларни хорижий тилларга ўгириш жараёнидаги адекватлик ва эквивалентлик, таржиманинг стилистик, ҳиссий-эмоционал, маданий-этник хусусиятлари ва лексик-семантик воситаларига доир қарашлар баён этилди. Идиоматик ибораларни ўгириш жараёнида таржиманинг лисоний ўзига хослиги, яъни синхрония, чоғиштириш каби хусусиятлар асосланди

Калит сўзлар: адекватлик, эквивалентлик, қиёсий-типологик, эмоционал, фразеологик, маданий, коммуникацион, структурал-функционал.

Аннотация: В данной статье в сравнительно-типологическом аспекте изучены лингвистические особенности перевода английских идиом на родственные языки. В частности, были описаны взгляды на адекватность и эквивалентность в процессе перевода идиом на иностранные языки, стилистические, эмоционально-эмоциональные, культурно-этнические особенности и лексико-семантические средства перевода. В процессе обращения идиоматических выражений проявляется языковая специфика перевода, т.е. такие особенности, как синхронность, сопоставление и т.п.

Ключевые слова: адекватность, эквивалентность, сравнительно-типологическая, эмоциональная, фразеологическая, культурологическая, коммуникативная, структурно-функциональная.

Annotation: This article examines the linguistic features of the translation of English idioms into related languages from a comparative typological aspect. In particular, views on adequacy and equivalence in the process of translating idioms into foreign languages, stylistic, emotional, cultural and ethnic features and lexical and semantic means of translation were described. In the process of converting idiomatic expressions, the linguistic specificity of translation is revealed, i.e. features such as synchronicity, matching, etc.

Key words: adequacy, equivalence, comparative-typological, emotional, phraseological, cultural, communicative, structural and functional.

Жаҳон лингвистикасида тил воқелигини тизимли ўрганиш унинг ижтимоий аҳамиятини англашда туб бурилиш ясади. Тил социолингвистик ва коммуникатив воқелик сифатида баҳоланди. Бир қатор янги йўналишлар, хусусан тилнинг структурал-функционал қатламларини чуқур ўрганишга оид назарий парадигмалар вужудга келиб, дунё тилларини қиёсий, типологик,

чоғиштирма ўрганиш бошланди. Халқлар ўртасидаги маданий муносабатларда тил ва таржималарнинг коммуникацион роли эътироф этилди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда «чет тиллар каби талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш» муҳим аҳамият касб этади. Глобализация шароити мамлакатлар ўртасидаги интеграцион омилларни кучайтирди, шу тариқа цивилизациялар тарихидаги ноёб ёдгорликка айланган адабий ёзма манбаларни хорижий тилларга ўгириш заруратга айланди. XXI асрга келиб, мамлакатлараро маданий алоқаларнинг ривож топиши инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилиш муаммоларини ўрганишни долзарб вазифага айлантирди. Дунё лингвистикасида тил семантикаси борасида маълум изланишлар амалга оширилган бўлсада, семантик маънони ўзга тилларда бериш, таржиманинг лисоний ўзига хослиги муаммоси ҳозирги вақтга қадар етарли даражада ўрганилган эмас. Жумладан, идиоматик ибораларнинг семантик қурилиши ва имкониятлари, фразеологик бирликлар семантик типологияси, турғун ибораларни таржима қилишда тилнинг эмоционал, экспрессив, эмотив хусусиятлари ва уларни икки тилли луғатларда акс эттириш шулар жумласига киради. Инглиз тилидаги идиоматик иборалар табиатининг мураккаблиги боис, асосан фразеологик бирликларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва классификацияси ўрганилгани ҳолда уларни хорижий тилларга ўгиришнинг лингвистик жиҳатлари тўла тадқиқ этилмаган. Мақолада инглиз тилидаги идиоматик ибораларни ўзбек тилига ўгиришнинг айнан лисоний ўзига хослиги кўриб чиқилади. Мустақиллик йилларида жаҳон адабиётининг ёрқин вакиллари асарларини ўрганишга бўлган қизиқиш кескин ортиб борди. Инглиз идиомаларини ўзбек тилига ўгиришнинг асослари, қатор идиомалар таржимаси муаммолари, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш тарихига оид масалалар кўриб чиқилган. Дунё лингвистикасида ўтган асрнинг 40-йилларидан фразеология ривожланиб, турғун ибораларни ўрганишнинг идентификацион, комплекс, структурал-типологик, контекстологик, семантик сатҳ, апликацион, антонимия, синхрон-қиёсий, қиёсий-диахрон, методлари шаклланди. Инглиз идиомаларини француз, испан, немис, итальян, португал, грек, рус тилларига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этилди. Хусусан, идиомаларни хорижий тилларга ўгириш жараёнидаги адекватлик ва эквивалентлик, таржиманинг стилистик, ҳиссий-эмоционал, маданий-этник хусусиятлари ва лексик-семантик воситаларига доир қарашлар баён этилди. Идиоматик ибораларни ўгириш жараёнида таржиманинг лисоний ўзига хослиги, яъни синхрония (турғун ибораларининг тузилиши қиёси), комплекслик (турғун иборалар умумийлигини белгилаш), чоғиштириш (турғун иборалар функционаллиги қиёси) каби хусусиятлар асосланди. Инглиз идиомаларини

тадқиқ этиш ва уларни хорижий тилларга таржима қилишнинг ўзига хос назарий ҳамда амалий жиҳатлари мавжуд бўлиб, идиома тушунчаси билан боғлиқ равишда қатор муаммолар, хусусан фразеологизм ўзи нима, «идиома» ва «идиоматика», идиоматиклик спецификаси, идиомаларнинг бир сўзга муқобилдорлиги, турғун сўз бирикмалар метафориклиги ва образлилиги, семантик мотивлашмаганлик ва аномалия, идиомада «маънолар кўчиши» ёки «семантик янгиланиш», баъзи идиомаларни ўзга тилларга ўгириб бўлмаслик ёки ўгиришнинг жуда қийин кечиши, идиомалардаги экспрессивлик, сўзларнинг эквивалентлиги каби масалалар илмий ечимини топиш долзарблик касб этади[1.59]. Идиома (idioma) грекча сўз бўлиб, хусусият, ўзига хослик, ўзгаларга ўхшамаслик, бетакрор хислат маъноларини билдиради. Лингвистик жиҳатдан идиома – тил бирлигига тенг бўлган турғун сўзлар мажмуидир. Идиома лингвосоциал тарихий ҳодиса бўлиб, тил эгалари тафаккурида кечган лисоний ва нолисоний жараёнда вужудга келган миллий характердаги образли-экспрессив ифода маҳсулидир. Идиома, фразеологик бирлик сифатида турғун структурага эга, унинг семантик мазмуни ҳам ягона, турғун ва қатъийдир. Идиомалар шаклланиши тилнинг ички тизими унсуридир [1.95]. Масалан, «Between you and me and the bed-post» идиомасининг сўзма-сўз маъноси – «Сиз, мен ва кровать оёғи ўртасида» бўлади. Аслида идиоманинг мазмуни «Гап ўртамизда қолсин. Ҳеч ким билмасин» маъносига тенгдир. Идиомалар маъносидаги ушбу ўзгачалик уларни ташкил қилувчи сўзлар семантикасининг ўзгариши ва янги маъно касб этиши асосига қурилади: Маматов А.Э. Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш. Филол.фан. доктор. ... дисс. – Т., 1999. - Б.12-13. Гаманко Р.С. Структурно-семантические и функциональные свойства идиоматичных слов английского языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2008. – 157 с. Балли Ш. Французская стилистика. – М., 1961. – С. 98 .

Инглиз тилидаги идиома Сўзлар мажмуаси мазмуни Идиома мазмуни - Not for all the tea in China -Ҳеч бир нарсага, ҳатто Хитойнинг чойига ҳам Ҳеч бир нарсага сотилмайдиган. *Умуман алмаштирилмайдиган.*

- No way, Jose! Йўл йўқ, Хосе! Ҳеч қачон!

- Bob's your uncle Боб, сенинг амакинг. *Ҳаммаси зўр бўлади!*

- Make a bee-line for Асалари йўлини шакллантириш. *Тўғри йўлдан кетиш.*

Олимлар фразеологизмлар лисоний моҳиятини белгилашда хилма-хил фикрлар билдирадилар. Идиома борасида қийинчилик билан фарқланадиган, компонентлари ўзаро турғун бирлашган, мураккаб, кўп аспектли, мунозарали, мақоми етарли белгиланмаган, икки ёки ундан ортиқ лексик негиздан ташкил топган, тузилиши жиҳатидан лингвистик бирикма, ёки гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, тилда тайёр ҳолда яхлит мавжуд бўлган, такрор қўлланувчи, қурилиши жиҳатидан бир маъноли идиоманинг турли шакллари олиб келиши

мумкинлиги, тузилиши жиҳатидан баъзан ўзгарувчан, сўзга эквивалент, сўзлар мажмуаси, турғун ибора, турғун сўзлардан иборат комплекс, умумлашган маъно англатувчи, турғун лексик-семантик бирлик, кўп компонентли, яхлит семантик хусусиятга эга бўлган коммуникатив бирлик, тил элементларининг комбинацияси, таржима қилиб бўлмайдиган тил ҳодисаси каби таърифлар таклиф этилган (Ш.Балли, В.Виноградов, Н.Шанский, А.Реформатский, А.Кунин, Н.Амосова, Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, А.Э.Маматов в.б.). Фразеологизмларни тил бирлиги сифатида илмий таърифлаш учун ҳам турли терминлар қўлланилади, улар: фразеологик ибора, фразеологик бирлик, фразеологик нутқ обороти, турғун ибора, турғун жумла, сўзларнинг турғун мажмуаси, идиоматик мажмуа, фразеологизм, идиома, идиоматизм, фразема кабилар. Фразеологизмларнинг кўпчилигига хос сифатлар бу – сўзлар мажмуаси ва турғунликдир. Инглиз тилидаги фразеологизмларга нисбатан қўлланилган норматив хусусиятлар ичида идиомага қуйидаги сифат кўрсаткичлари тааллуқли деб ҳисоблаймиз: барқарорлик; турғунлик; яхлитлик; образлилик; такрорийлик; лингвистик бирлик; контекстлилик; семантик-лексик бирлик. Идиомани бошқа тилга ўгиришда семантик мотивлашмаганлик аҳамият касб этади: мотивлашмаганлик ва аномалия, яъни семантик нормадан четга чиқиш; маъноларнинг мотивлашмаганлиги, бошқа тилларга таржима қилиб бўлмаслик ёки таржима қилишнинг жуда қийинлиги; идиомаларга экспрессивлик белгиси хослиги; идиомаларга сўзларнинг муқобилдорлиги хослиги. Яъни, «Фразеологизмлар тилнинг алоҳида расмийлашган бирлиги бўлиб, тузилишига кўра, эркин боғланмаган сўз ёки гапга тенг, компонентлари тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган, образли турғун сўз бирикмаларини ўз ичига олади». Тадқиқотларда идиоманинг лисоний таърифи айнан таржимашунослик нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда хорижий тиллардан, хусусан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлишига қарамай, бевосита таржима сўнгги ўн йилликда кескин тарзда тараққий эта бошлади. Ўзбек таржима мактабининг ривожланишидаги даврланиши қуйидагича белгиланди: (1) Шарқ мамлакатлари тилларидан қилинган таржималарнинг Ўрта асрлардаёқ кенг ривожланганлиги; (2) Ғарб давлатлари тилларидан қилинган таржималар XIX асрнинг иккинчи ярмидан тараққий эта бошлаганлиги; (3) рус тилидан, ёки рус тили воситасида дунё маданияти дурдоналаридан қилинган таржималарининг XX асрда жуда кенг тарқалганлиги; (4) ҳозирги даврда барча тиллардан бевосита ўзбек тилига таржима қилиш амалиёти жадаллашганлиги. XX асрда Роберт Бернс ва Байрон асарлари, Шекспир сонетлари, Чарльз Диккенс, Жонатан Свифт, Теодор Драйзер, Жон Стейнбек, Эрнест Хэмингуэй ва бошқа адиблар асарлари ўзбекчага ўгирилади. 1980-1990 йилларда инглиз ва америка

адабиётининг ўттизга яқин намоёндалари, ёзувчи, тарихчи, шоирлари асарлари ўзбек тилига таржима қилинади. Сўнги ўн йил давомида Теодор Драйзернинг «Финансист», Фридрих Ницшенинг «Заратуштра сўзлагандек», Жеймс Жойснинг «Рассомнинг ёшликдаги расми» «Улисс», Паоло Коэльонинг «Алкимёгар», Жейн Остиннинг «Ғурур ва сохта фикрлар», Орхан Памукнинг «Истамбул. Хотиралар шахри», Мо Яннинг «Май мамлақати», А.С.Пушкиннинг «Қуръонга тақлид», Н.В.Гоголнинг «Ақлдан озганнинг ёзувлари», Ф.М.Достоевскийнинг «Иблислар» асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Хорижий тиллардан қилинган таржима асарлар ичида Ўзбекистон, унинг тарихи ва маданиятига алоқадор бўлган манбалар катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, рус тилидан Георг Генделнинг «Амир Темур» асари, Луи Гонзалес де Клавихонинг «Буюк Амир Темур тарихи» китоби таржима қилинди. Ойбекнинг «Навоий» романи инглиз тилида нашр қилинди. А.Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, О.Ёқубов, П.Қодиров, Муҳаммад Али, Ўткир Ҳошимов, Т.Малик, Т.Ҳайит кабиларнинг асарлари ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлари, Чўлпон, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам прозаси француз тилига, Ўткир Ҳошимов асарлари эса турк тилига таржима қилинди. Озарбайжон тилига таржима қилиш бошланди. XX аср ўзбек шеърляти намуналари корейс, инглиз тилларига таржима қилинди. Бинобарин, мустақиллик йилларида ўзбек таржима мактабида туб сифат ўзгаришлари рўй берди. Одатда, бадий таржимага нисбатан ранг-баранг, баъзан эса ўзаро қарамақарши талаблар қўйилади. Уларни америкалик олим Т. Сейвори ўзининг «Таржима санъати» китобида умумлаштирган. Маматов А. Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш. Филол.фан. доктор. ... дисс. – Т., 1999. – Б. 18. Savory T.H. The Art of Translation. Published by Johnattan Cape: Better world books (Mishawaka, IN, USA). 1959. – 191 p.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. таржима учун муҳим бўлган қарама-қарши ғоялар ва қарашларини тизимлаштирсак, улар қуйидагича тақсимланади: Биринчи фикр Унга қарама-қарши, иккинчи фикр Таржима аслиятнинг сўзларини бера олиши керак. Таржима аслиятнинг маъносини бера олиши керак. Таржима айнан таржима қилинган асар сифатида ўқилиши керак. Таржима мустақил бадий асар сифатида ўқилиши керак. Таржима аслият, яъни асар муаллифи услубиятини бера олиши керак. Таржима аслият, яъни асар муаллифи услубиятини эмас, балки таржимон услубиятини акс эттириши керак. Таржима асар муаллифига замондош бўлган матн (тил) сифатида берилиши керак. Таржима таржимонга замондош матн (тил) сифатида берилиши керак. Таржимон аслият матнига бирор нарса қўшиши ёки айириши мумкин эмас. Таржимон аслият матнига бирор нарса қўшиши ёки айириши мумкин. Шеърлий таржимани прозада ҳам амалга ошириш мумкин. Шеърлий таржимани фақат

шеърий таржимада амалга ошириш лозим каби фикрлар кетма-кетлиги соҳани янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда идиома ва фразеологик бирликларни қардош бўлмаган тиллар ўртасида таржима қилиш бу аслида катта машақат, санъат кабидир. Хусусан, идиомаларни хорижий тилларга ўгириш жараёнидаги адекватлик ва эквивалентлик, таржиманинг стилистик, ҳиссий-эмоционал, маданий-этник хусусиятлари ва лексик-семантик воситаларига доир қарашлар баён этилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Т.: Ўқитувчи, 1989.- 117 б.
2. Неретина С.С. Слово и текст в средневековой культуре. Концептуализм Абеяра: - М.: 1995.- 328 с.
- 3.Нерознак В.П. Лингвистическая персонология: к определению статуса дисциплины. //Язык. Поэтика. Перевод.: Сб; научн, трудов, вып. № 426. – М.: МГЛУ. 1996.С.112-116.
- 4.Юсупов Ў.Қ. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условными. – дисс. канд. филол. наук. – Т.: 1971. - с.154
5. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007.-126 с.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Ёрмухаммад Мадалиев,
Профессор Южно-Казахстанского
Государственного университета
им. М.Авезова

Аннотация: Данная статья посвящена идеям и направлениям джадидов, их поиску совершенной системы образования и алфавит основанной на национальной лингвистике, а также основным разделам теоритической лингвистики.

Ключевые слова: язык, лингвистика, образование, реформа, правописание

Annotation: This article is devoted to the idea and direction of the djadids, the search for a perfect system of education and the alphabet based on national linguistics, as well as the basic sections of theoretical linguistics